

Аҳолини рўйхатга олиш қандай асосларда кечади?

Давлатимиз мустақиллигини қўлга киритгандан буён мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбири бўлиб ўтмаган. Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони асосида энди бу тадбир йўлга қўйилади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг қатор устувор жиҳати бор. У мамлакатда яшовчи барча аҳолига тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва эълон қилишнинг ягона жараёнини ўз ичига олади. Бу эса келгуси 10-30 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш, ҳудудларни ривожлантириш ҳамда жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш бўйича сиёсий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун пойдевор яратади. Аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш, жинси, ёши, оилавий аҳоли, маълумоти даражаси, яшаш шароити, бандлиги,

миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий, иқтисодий хусусиятлари бўйича яқка тартибда ҳисобга олиш ва батафсил тавсифлашнинг универсал усулини ишга солган ҳолда расмий статистика тизимида муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда, аҳолини рўйхатга олиш – алоҳида бир мамлакат аҳолисининг чекланган бир қисми ёки тўлиқ барчасининг муайян давр ҳолатига тааллуқли бўлган ижтимоий, иқтисодий ва демографик кўрсаткичларни йиғиш, уларга ишлов бериш ва таҳлил этиш натижасида тўпланган маълумотларни эълон қилиб, чоп этиш фаолиятидир.

Аҳолини рўйхатга олишда қатъий эътиборга олинадиган аҳоли тоифалари шартли ҳолатда учта гуруҳга – мавжуд, доимий ва юридик аҳоли қатламларига бўлинади. Мисол учун, 2009 йилда Қозоғистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш тадбири бўлиб ўтганди. Тадбир давомида сарф қилинган молиявий маблағ ҳажми 1 миллиард 144 миллион тенгега тенг бўлди (1 АҚШ доллари – 121,27 тенге алмашув курсига тенг бўлган). Қозоғистонда аҳоли сони 17-18 миллион кишини ташкил этади, бизда 33 миллиондан ошди. Қарийб икки баробар кўп аҳолини рўйхатга олиш мос равишда

ҳам молиявий, ҳам меҳнат ресурсларини кўп сарфлашни тақозо этади.

Инсониятнинг ривожланиш тамаддуни аҳолини рўйхатга олишнинг бир неча усуллари кашф этишга имконият берди.

Сўров. Ушбу усулда рўйхатга олиш махсус анкетани тўлдириш, рўйхатга олинувчи шахс билан юзма-юз суҳбат асосида инспектор томонидан амалга оширилади. Мазкур усул одатда, Россия Федерацияси ва собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан давлатларда қўлланилади.

Ўзи ҳисоблаш ва тўлдириш усули. Бунда махсус анкетани одатда, рўйхатга олинувчи шахснинг ўзи тўлдиради, шунингдек, бир оилада истиқомат қилаётган ақли расо шахслар, имконияти чекланган фарзандлари ёки яқинлари учун тўлдиришлари мумкин. Рўйхатга олувчи инспектор эса уни тўлдирилишини назорат қилади, холос. Унга, анкета тўғри ёки нотўғри тўлдирилгани, бирор бир сўров банди жавобсиз қолмаслиги, қолса сабабини аниқлаш масъулияти юкланади. Европадаги бир қатор давлатлар шу усулдан фойдаланади.

Аралаш (анкетали) усул. Аҳолини рўйхатга олиш махсус анкетаси рўйхатга олинувчилар манзилига почта ёки ин-

тернет орқали юборилади. Қабул қилиб олинган анкетани рўйхатга олинувчиларнинг ўзлари тўлдириб, аҳолини рўйхатга олиш бюросига ёхуд статистика хизматига қайта юборади. Статистика хизмати ёки рўйхатга олиш бюроси, тўлдирилган анкеталарга ишлов бериб, текширувдан ўтказилади. Жавоб келмаган манзилларга эса сўров ўтказиш учун инспектор ёки масъулни юборади. Ушбу усул кам харажатлилиги билан ажралиб турса-да, қанча тарғибот қилинишига қарамай, анкеталарнинг ўзлари тўлдириб юбориш кўрсаткичи кутилган натижани тўлиқ бермайди. Мазкур усулдан ривожланган давлатларда, шунингдек, АҚШда кенг фойдаланилмоқда.

Аҳолини рўйхатга олишда ҳар бир давлатда ўзига хослик эътиборга олинса-да, умумийлик хусусиятлари сероб. Шу боис, аҳолимизни бўлажак катта тадбир олдидан рўйхатга олиш саводхонлигини оширишга хизмат қилаётган маълумотлар берилиши лозим. Токи бу жараёни амалга оширишда камчилик ва тушунмовчилик аломатлари кам учраши билан бирга, кам молиявий маблағларни ҳарж этиб юқори ижтимоий-иқтисодий самара ҳамда ютуққа эришайлик.

Низомиддин ҲАЙДАРОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор